

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.01 (575.1)

Абдурахмонов Бобурмирзо Абдурахмон ўғли
**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5A230201 – “Менежмент” (тармоқлар ва соҳалар)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Йўлдошев Н.Қ.

Тошкент – 2019

Диссертация ишида тикув-трикотаж корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари ўрганилган. Тикув – трикотаж корхоналарини, бошқарув тизимига таъсир этувчи омиллар UZTEX TASHKENT МЧЖ мисолида таҳлил қилинган. Корхонанинг иқтисодий молиявий кўрсаткичлари баҳоланган, корхона рақобатбардошлик ҳолати ва бошқарув самрадорлигини таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида корхонанинг ривожланиш стратегиясини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

The thesis was studied the theoretical foundations for the improvement of sewing and knitting enterprises management system. Sewing and knitting enterprises, factors affecting the management system were analyzed by the example of UZTEX TASHKENT LLC. The economic performance of the enterprise was assessed, and the company's competitiveness and management efficiency were analyzed.

The analysis provides conclusions and recommendations on how to improve the company's development strategy.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ 6 - сонли баённома «18» _____ 2019 й.

Кафедра мудири

_____ (и.ш.ф.) _____
имзо сана

Илмий раҳбар:

_____ (илмий раҳбар и.ш.ф.) _____
имзо сана

Такризчи:

_____ (такризчи и.ш.ф.) _____
имзо сана

Магистрант:

_____ Абдурахмонов Б.А _____
(магистрант и.ш.ф.) _____
имзо сана

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1 Тикув-трикотаж корхоналарида бошқарув тизими функциялари ва таснифланиши.....	9
1.2 Тикув-трикотаж корхоналарида бошқарув тизimini такомиллаштириш тамойиллари.....	16
1.3 Тикув-трикотаж корхоналарини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....	19
Биринчи боб бўйича хулоса	28
II БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТЛАРИДА ҚЎШМА КОРХОНАСИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1 Тўқимачилик саноатларида иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари таҳлили	30
2.2 Тўқимачилик саноатларида рақобатбардошлиги таҳлили.....	42
2.3 UZTEX TASHKENT МЧЖ нинг бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш.....	52
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	60
III БОБ. UZTEX TASHKENT МЧЖ ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	63
3.1 UZTEX TASHKENT МЧЖ ривожлантиришнинг йўл харитасини ишлаб чиқиш	63
3.2 UZTEX TASHKENT МЧЖ ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш.....	73
Учинчи боб бўйича хулоса	89
ХУЛОСА	92
Фойдаланилган адабиётлар	95

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган сўнгги йилларда амалга оширилётган асосий ишлар якуни мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясидаги иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан,.....“саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш ҳамда, тармоқларaro саноат кооперациясини кенгайтириш, иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. 2017 й.. № 6, ст. 70.